

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**789** Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 3 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2630-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 238-сон «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 10 ноябрдаги 28-сон буйруғи (рўйхат рақами 2630, 2014 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 596-модда) билан тасдиқланган Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ ўринбосари**

**Ш. ШОВАҲОБОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 12 июль,  
60-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё  
транспорти агентлиги бошлиғининг  
2017 йил 12 июлдаги 60-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда транспорт воситаси русуми учун олинган балларга 1,15 миқдорда оширувчи коэффициент қўлланилади, агар транспорт воситаси тендер қатнашчисининг мулки бўлса.»

2. 9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**789-790-моддалар**

**— 236 —**

**31 (791)-сон**

«9. Автобуслар (йўналишли такси) иш режимининг тавсия этилаётган варианты учун — беш балли тизим бўйича баҳоланади.

10. Йўналишдаги қатновларнинг таклиф этилаётган сони учун — беш балли тизим бўйича баҳоланади.».

3. 11-банддан бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. 1-илова қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда транспорт воситаси русуми учун олинган балларга 1,15 миқдорда оширувчи коэффициент қўлланилади, агар транспорт воситаси тендер қатнашчисининг мулки бўлса.».